

**“UZBEKISTAN GTL” МЧЖнинг 2023 йил учун Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги
ҲИСОБОТИ**

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Бажарилиши | Асос |
|--|--|--|---|
| I. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги | | | |
| 1. | Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти тартибини белгиловчи ички низом ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги. | “UZBEKISTAN GTL” МЧЖ бошқарув раисининг 2023 йил 25 сентябрдаги 093/ADM -сонли қарорининг 1-иловаси билан ички низом тасдиқланди. | Тасдиқланган ички низомнинг электрон (PDF) формати илова қилинмоқда. |
| 2. | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги. | “UZBEKISTAN GTL” МЧЖ бошқарув раисининг 2023 йил 25 сентябрдаги 093/ADM -сонли қарорининг 2-иловаси билан 2023 йилга мўлжалланган “йўл харита” тасдиқланди. | Тасдиқланган “йўл харита”нинг электрон (PDF) формати илова қилинмоқда. |
| 3. | Рақобат чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилганлиги. | - “UZBEKISTAN GTL” МЧЖнинг расмий веб-сайтида “Биз билан боғланиш” номли саҳифа яратилди; - мазкур соҳага оид мурожаатлар қуйидаги телефон рақами (71 202-40-80) орқали қабул қилинади. | “UZBEKISTAN GTL” МЧЖнинг расмий веб-сайтида яратилган “Биз билан боғланиш” номли саҳифага қуйидаги ҳавола орқали кириш мумкин: https://www.uzgtl.com/contact |

| | | | |
|---|--|---|---|
| 4. | Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот сифатли ва ўз вақтида тақдим этилганлиги ва расмий веб-сайтга жойлаштирилганлиги. | Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот Рақобат қўмитасига белгиланган вақтда тақдим этилди ва ташкилотнинг расмий веб сайтыга жойлаштирилди. | Ҳисобот “UZBEKISTAN GTL” МЧЖнинг 2023 йил 22 декабрдаги _____-сонли хати орқали юборилди. Расмий веб-сайтга жойлаштирилган ҳисобот билан куйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://www.uzgtl.com/finrep.ort |
| II. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хатарларини аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилганлиги | | | |
| 5. | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хатарларини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида фаолиятни ўрганиш | “Uzbekistan GTL” МЧЖнинг масъул бўлимлари билан биргаликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сотувларини биржа савдоларига жойлаштириш тартиби, шу жумладан сотув режа-жадвалларни биржанинг веб сайтыга ҳамда Рақоботани ривожлантириш ва истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига тақдим этилиши ўрганилди. Ўрганиш натижалари юзасидан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қўмитасига маълумот киритилди. | “Uzbekistan GTL” МЧЖнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 02-FIN1015-23-2869/Е – сонли расмий хати. |
| 6. | Фаолиятга тегишли материалларни ўрганиш натижасида (шу жумладан, рақобатни ёки истеъмолчиларнинг | Ҳисобот даврида “Uzbekistan GTL” фаолиятига тегишли материалларни ўрганиш давомида қонунбузилиш | |

| | | | |
|----|--|--|---|
| | хуқук ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатларни хатловдан ўтказишда) аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси. | ҳолатлари аниқланмади. | |
| 7. | Аниқланган қонунбузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик бўйича қўрилган чоралар. | Қонунбузилишлар аниқланмади. | |
| 8. | Фаолият давомида олди олинган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси. | Қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади. | |
| 9. | Ташкилот фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар аниқланганлиги ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги. | 2022 йил 27 октябрда “Uzbekistan GTL” МЧЖ ва “Akdeniz Chemson Kimya Sanayi Ve Tic.” (Туркия) ўртасида 1 йил муддатга тузилган (2023 йил 1 ноябргача) синтетик нафтани экспорт қилиш бўйича № Uz G T L - P S - E - 0 0 0 1 - с о н л и шартноманинг муддатини узайтиришга эҳтиёж туғилган. Шу масала юзасидан, Ташкилотнинг масъул бўлимлари билан биргаликда ўрганиш натижасида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни олдини олиш ва амалдаги рақобат | “UZBEKISTAN GTL” МЧЖнинг 2023 йил 27 октябрдаги 01-009-23-3220/Е Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига мурожаати тақдим этилди. |

| | | | |
|-----|--|---|--|
| | | <p>тўғрисидаги қонунчилик талабларини батафсил ўрганиш ва тегишли хулоса олиш мақсадида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қўмитасига мурожаат қилинган. Мурожаат натижасида олинган Қўмитанинг тегишли кўрсатмаси тақдим этилди.</p> | |
| 10. | <p>Қабул қилинадиган ички ҳужжатларнинг лойиҳалари ўрганилганлиги, бунда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, уни мазкур қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилганлиги.</p> | <p>“UZBEKISTAN GTL” МЧЖда қабул қилинадиган ички ҳужжатларнинг лойиҳаларида рақобатни чеклайдиган нормаларни аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2023 йил давомида ваколатли шахс томонидан жами 10 та ички ҳужжатлар лойиҳалари ўрганилди.</p> | |
| 10. | <p>Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги.</p> | <p>Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, жами 1 та ички идоравий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.</p> | |
| 11. | <p>Монополияга қарши комплаенс</p> | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | тизими фаолияти юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар. | | |
| III. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари | | | |
| 12. | Ташкилотда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланганлиги, унинг зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги. | “UZBEKISTAN GTL” МЧЖ бошқарув раисининг 2023 йил 25 сентябрдаги 093/ADM – сонли буйруғига асосан монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс тасдиқланди. | “UZBEKISTAN GTL” МЧЖ бошқарув раисининг 2023 йил 25 сентябрдаги 093/ADM – сонли буйруғи илова қилинмоқда. |
| 13. | Ташкилот раҳбарлари томонидан ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш масаласи кўриб чиқилганлиги. | 2023 йилнинг 25 сентябр санасида “UZBEKISTAN GTL” МЧЖ бошқарув раиси бошчилигида ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш юзасидан кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. | |
| IV. Ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги | | | |
| 14. | Ҳисобот йилида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмалари оширилганлиги. | 2023 йил давомида масъул шахс томонидан ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари юзасидан | |

| | | | |
|-----|--|---|--|
| | | билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди. | |
| 15. | Ташкилот ходимларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжудлиги. | Ваколатли шахс томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган монополияга қарши компаенс тизимини самарали ташкил этиш ва мазкур тизим фаолияти учун масъул бўлган ходимларининг соҳага оид билимларини ошириш мақсадида қўлланма тайёрланди. | |

**Ҳурмат билан,
Бош Директор**



Алишер Баҳадиров